

## ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА ЭКИШ УСУЛАРИНИ ШОЛИ ЎСИМЛИГИ ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Муҳаммаджон Араббоевич Эргашев<sup>1</sup>,  
Хурматой Рафиқжонова Жураева<sup>2</sup>,  
Азизхон Акрамхонович Маматхонов<sup>3</sup>,  
Шахнозахон Зафарбек қизи Ахмадждонова<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> қ.х.ф.н. к.и.х,

<sup>2</sup> қ.х.ф.ф.д (PhD) доцент,

<sup>3</sup> таянч докторант,

<sup>4</sup> Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273311>

**Аннотация:** Ушбу мақолада шולי ўсимлигини иккинчи экин сифатида етиштиришда кўчатлар сони, экиш схемалари ва уларнинг хосилдорлик компонентларини экиш санаси ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** “Искандар” ва “ТШДС-15-13” истиқболли шולי навлари, назорат варианты, кўчат усули, оддий усул.

Хозирги кунда дунё аҳолисини кескин ўсиб бораётган шароитида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Барчамизга маълумки, озиқ-овқат экинлари орасида донли экинлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу экинларни экин майдони бўйича буғдой биринчи ўринни эгалласа, хосилдорлик жиҳатидан эса иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Шунингдек яна бир муҳим донли экинлардан бири шולי ўсимлиги ҳисобланиб, дунёда экин майдони бўйича иккинчи ўринда турсада хосилдорлик жиҳатидан эса барча донли экинлардан устундир. Шунини таъкидлаш лозимки, Осиё мамлакатларида шולי ўсимлиги- асосий озиқ-овқат экини ҳисобланади.

Охирги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Лекин, бугунги кунда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, аҳоли ўсиши ҳамда бошқа инсон таъсири билан боғлиқ омиллар сувни кўп

истеъмол қиладиган экинларни етиштиришга сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Республикада шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизimini такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 2 февralида “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4973 сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан жорий йилда Республика бўйича жами 129,4 минг гектар майдонга шундан 66,7 минг гектар асосий, 62,6 минг гектари такрорий шу билан бирга, Наманган вилоятида ҳам жами 3,8 минг гектар майдонга, шундан 1,8 минг гектар асосий, 2,0 минг гектар такрорий майдонларга шоли экилиши режалаштирилиши шолчиликка ҳукуматимиз томонидан юқори эътибор берилганлигини далолатидир.

Ушбу қарор ижросини бажарилишида ва озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштиришда ижобий ёндашиш учун бир қатор шолкор З.Н.Джуманов, А.П.Эгамназаров, Р.Ш.Тиллаев, М.А.Эргашев, Ч.Т.Қашқабоева, Б.Г.Қодиров, Б.И.Қаландаров каби олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ушбу муаммолардан келиб чиққан ҳолда 2020-2021 йиллар мобайнида қ.х.ф.н. к.и.х М.А.Эргашев раҳбарлигида шолнинг Наманган вилояти Уйчи тумани шароитида такрорий экин сифатида шолнинг экиш муддатлари ва усулларини шолнинг ўсув даврига таъсирини ўрганиш мақсад қилиб олинди ва бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди, яъни шолнинг ўртапишар, юқори ҳосилли, сифат ва таъми бўйича халққа манзур бўлган “Искандар” ва “ТШДС-15-13” истиқболли шоли навларини уч хил усулда (оддий назорат, кўчат, эгатларб) уч хил

муддатда (10 июн, 15 июнь ва 20 июнь) тадқиқот олиб борилганда қуйидаги натижаларга эришилди

**1-жадвал Экиш муддатлари ва усуларини шолининг ҳосил компонентларига таъсири**

№	Экиш усуллари	Экиш муддатлари	Қайтариқлар			Ўртача ҳосилдорлик, ц/га
			I	II	III	
<b>"Искандар" нави</b>						
1	оддий	10.июн	63	62,5	62	62,5
2		15.июн	57,2	58,5	57,4	57,7
3		20.июн	53	52,6	52,1	52,9
4	кўчат	10.июн	75,6	77	76	76,2
5		15.июн	75	74,1	74,1	74,4
6		20.июн	71,8	73	72,7	72,5
7	эгатлаб	10.июн	80,4	78,2	80,2	79,6
8		15.июн	77,8	79,6	79	78,8
		20.июн	78	76,3	77,6	77,3
<b>"ТШДС-15-13" истиқболли нав</b>						
1	оддий	10.июн	82	83	82,5	82,5
2		15.июн	84,1	82,7	83,1	83,3
3		20.июн	84,4	85,4	84,3	84,7
4	кўчат	10.июн	67	65,5	66,1	66,2
5		15.июн	63,1	65	64,2	64,1
6		20.июн	64,1	66,2	64,8	65,1
7	эгатлаб	10.июн	86	84,3	85	85,1
8		15.июн	85,5	85,4	88,3	86,2
9		20.июн	84,2	85,1	84,8	84,7

Ўтказилган тажрибада 3.6- жадвални 4 қаторида ҳосилдорлик тахлил қилинганда қуйдаги натижалар кузатилди, одий усулда шоли экилганда назорат варианты яни 10 июнда экилган уруғ 15 июнда экилганга нисбатан 4,8 ц/га кам ҳосил берганлиги ва 20 июнда экилганга нисбатан 9,6 ц/га кам ҳосил олинганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек оддий усулда яни назорат вариантга қараганда кўчат усулда экилган “Искандар” шоли навини пишиш даври 10 июнда экилган кўчатлар назорат вариантга нисбатан 13,7 ц/га кўп ҳосил олинган, 15 юнда кўчат усулида экилганда эса 10 июнда назорат вариантга нисбатан 11,9 ц/га кўп ҳосил олинган, 20 июнда кўчат усулида экилган вариантларда назорат вариантга нисбатан 10 ц/га кўп ҳосил олинган кузатилди.

Кейинги эгатлаб экилган вариант назорат варианты билан тақосланганда 10 июнда оддий усулда экилган шолига нисбатан 10 июнда эгатлаб экилган вариантда 17,1 ц/га кўп ҳосил олинган, 15 июнда эгатлаб экилганда 10 июнда назорат вариантга нисбатан 16,3 ц/га кўп ҳосил олинган, 20 июнда эгатлаб экилганда 10 июнда назорат вариантга нисбатан 14,8 ц/га кўп ҳосил олинганлиги кузатилди.

Шу жумладан “ТШДС-15-13” истиқболли навида шуни кўриш мумкинки одий усулда 10 июнда экилган уруғ, кўчат усулда “ТШДС-15-13” нави 15 июнда экилган вариантларда нисбатан 0.8 ц/га кўп ҳосил олинган, одий усулда назорат варианты 10 июнда экилган уруғ, кўчат усулда “ТШДС-15-13” нави 15 июнда экилган вариантларда нисбатан 1,6 ц/га кўп ҳосил олинган, одий усулда назорат варианты, кўчат усулда экилган “ТШДС-15-13” нави 20 июнда экилган вариантларга нисбатан 2,7 ц/га кўп ҳосил олинганлигини кузатилди.

Тадқиқотлар натижасида “ТШДС-15-13” истиқболли навида шуни кўриш мумкинки одий усулда “Искандар” нави экилганда назорат варианты яъни 10 июнда экилган уруғ, эгат усулда “ТШДС-15-13” нави 10 июнда

экилган вариантга нисбатан 22,6 ц/га кўп ҳосил олинган, назорат варианты яъни 10 июнда экилган уруғ, эгат усулда “ТШДС-15-13” нави 15 июнда экилган вариантларга нисбатан 23,7 ц/га кўп ҳосил олинган, назорат варианты яъни 10 июнда экилган уруғ, кўчат усулда экилган “ТШДС-15-13” нави 20 июнда экилган вариантларга нисбатан 22,2 ц/га кўп ҳосил олинганлиги аниқланди.

Ушбу натижалардан кўриниб турибдики, энг юкори дон ҳосили июль ойининг биринчи декадаси яъни 5 июлда экилган шоли экинидан олинди. Демак, олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра, бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда шолининг ўртапишар “Искандар” навини июль ойининг биринчи декадасида кўчат усулида экиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” 2017йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сонли қарори.
2. Эргашев М.А., Асосий ва такрорий экин сифатида шолини кўчат усули билан экишнинг муқобил муддатларини ишлаб чиқиш. // (фан номзодлик дисс..автореферати) Тошкент. 2008. 6-12-б.
3. Абдуллаев А.А. Фарғона водийсида шолини кўчат усулида етиштиришда ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорликка озиқлантиришнинг таъсири. қ.х.ф.н. дисс. 2010 й. 61-66 б
4. Ergashev. M. A. 2005. Effect of transplanting Time on the Growth and Yield of Early and Late Maturing Rice Varieties. Report on Experiments in Rice Research Techniques Course. Tsukuba International Center, JICA. Vol. 9. 121-127-144-150